

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 5 май, № 88 (5508)

Шанба

Фахр

Истиқлол йилларида Президентимиз томонидан мамлакатимиз тараққиёти, элимиз ободлигини юксалтиришга сидқидилдан ҳисса қўшаётган юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада тегишли ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мазкур эзгу амаллар пойдеворини янада мустаҳкамлади.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари:

Фидойилик ва жасорат эътирофи

5 май — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари, “Жасорат” ва “Шухрат” медаллари таъсис этилган кун.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган парламент сессиясида “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонини белгилаш ва олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари, “Жасорат” ва “Шухрат” медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши бунинг ёрқин тасдиғидир.

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони олий дара-

жадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қарамонна хизматлари учун берилди. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган шахсга “Олтин Юлдуз” медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжат топширилади. Ушбу медал таънавали равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан тақдим этилади.

(Давоми 2-бетда).

Маҳаллалар салоҳиятини юксалтириш

ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда катта ўрин тутди

Аввал хабар қилингандек, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари учун ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилаётган мазкур семинарларда жамиятимиз ривожига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётган бир шариоатда унинг олдида турган устувор вазифалар, Президентимиз тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг аҳамияти, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури, бандлик ва бошқа ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашдаги роли, маҳалла фаолларининг салоҳиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятида мавжуд 654 та фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида ўтказилган ўқув семинарларда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган

баркамол авлодни миллатимизга ёт ва бегона ғояларнинг салбий таъсиридан асраш, “оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари алоҳида тўхтаб ўтилди.

— Маҳалла фаоллари аҳоли билан ҳамжиҳатликда иш олиб борса, ўша ерда одамлар турмуш даражаси яхшиланади, жамоат ҳавфсизлиги таъминланади, тинчлик-ҳотиржамлик ҳукм суради, — дейди Хонқа туманидаги “Намуна” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бекжон Маҳмудов.

— Шу маънода, ҳудудда хизмат кўрсатаётган 10 та тикувчилик, 2 та темирчилик цехи, 18 та ун, шולי тегиримони, 30 та савдо дўкони, маҳалла гузарни ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари маҳалламиз аҳлининг интилувчанлиги, ташаббускорлиги самараси, деб биламан. Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда хусусий тадбиркорлик

(Давоми 2-бетда).

Инновацион ғоялар, янги лойиҳалар

иқтисодиётимиз равангага хизмат қилади

Илмий ишланмалар ва технологиялар билан яқиндан танишар экансиз, уларнинг салмоқли қисми, яъни 75 таси олий таълим муассасаларининг ёш олим ва талабалари, 15 таси эса “Келажақ овози” республика танлови ғолибларига тегишли эканлигига амин бўласиз. Бу Президентимиз ташаббуси билан ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш, ёшларнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенгроқ жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз интеллектуал мулк бозори ёшлар томонидан яратилган ихтиролар ҳисобига тобора бойиб бораёпти. Масалан, илк бор ярмарка доирасида жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётган “СМ-WCRI” роботи республикамиз илм-фанидаги чинакам

(Давоми 2-бетда).

Миллий анъаналар тараннуми

Бугун кўҳна Тупроққалъада “Асрлар садоси” маданият фестивали бошланади.

Ушбу байрамона тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анъанана мувофиқ, бу гал ҳам фестивалга қизгин ҳозирлик қилиниб, санъат ва маданият анжуманининг иштирокчиларию меҳмонларини муносиб кутиб олиш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинганлигини қайд этиш жоиз.



Фестиваль арафасида асосий тадбирлар бўлиб ўтадиган манзил — Эллиқалъа туманининг қадимий Тупроққалъа ёдгорлигида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мажмуадаги миллий ўйинлар беллашуви ўтказилган махсус майдонларга зарур анжомлар олиб келиниб, тахт қилиб қўйилди. Меҳмонлар учун тикланган ўтовлар эса барча қулайликлар билан тўлиқ таъминланди.

— Тупроққалъа ЮНЕСКОнинг жаҳон маданияти ёдгорликлари рўйхатидан жой олган, минг йиллик ўтмишимиздан сўз очувчи қадим гўшадири, — дейди Эллиқалъа тумани бош меъморни Ибодулло Саъдуллаев. — Донишманд аждодларимиз қўли билан бунёд бўлган бу кўҳна иншоот бугун фестивалга таъриф буюрган меҳмонларда бениҳоя ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қадриятлар қадр топган юрт

Тўрақўрғонлик Камолжон ота Турғунов бу йил умрининг тўқсонинчи баҳорини қарши олди. Эл-юрт олдидаги хизматлари, қадр-қиммати улуғланаётган табарруқ отахон хонадони шу кунларда янада гавжум.

Шукроналик

Бордимкўл қишлоғи аҳли, хусусан, ёшлар, уруш фахрийсини зиёрат қилиш, унинг ҳаётий хотираларини, панду насиҳатларини тингаш, дуосини олишга мушток.

Шундай пайтда кўпни кўрган нуронийнинг ўзига кўрсатилаётган иззат-икромдан кўзлари янада равшан тартади, руҳи тетиклашиб, инсон манфаатлари устувор юртда яшаётганига тақдор-тақдор шукрона айтади. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Иқкинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони барча уруш фахрийлари қатори Камолжон отанинг ҳам руҳиятини кўтариб юборди. Кунни кеча туман фаоллари бир гуруҳ ёшлар иштирокида отахонга Юртбошимизнинг совғаси — бир марталик пул мукофотини тантанали равишда топширишди.

— Осиёишта юртда яшашнинг ўзи катта бахт, — дейди Камолжон ота. — Бундай дориламон кунларга етиб келиш осон кенгани йўқ. Ўзимдан қиёс. Навқиронлик йилларимизни жангоҳларда ўтказдик. Не-не машаққатларни бошдан кечирдик. Бугун-чи? Ёшларимизнинг бахту иқболлини, улар учун яратилган имкониятларни кўриб қувончим ичимга сиймайди. Янги қурилган, қурилаётган мактаблар, коллежлар, лицейларни



томоша қилиб, нақ қошона дейсиз. Фарзандларимизнинг билимдонлиги, зукколигини айтмасизми?! Ана шундай даврда ўтаётган ҳар бир кунимиз учун шукрона айтишимиз керак. Камолжон ота бир зум бўлса-да, ёлғизлини қолмайди. Ун нафар фарзанди, 140 нафар неварачеваралари атрофида парвона. Дарҳақиқат, фахрийларимиз —

фахримиз. Хонадонимиз файзи, фаришталари ҳам шулар. Шундай экан, нуроний отахон ва онахоналаримизни қанча қадрласак, шунча кам. Айниқса, Хотира ва қадрлаш кўни арафасида бундай эзгу ишларимиз янада кенг миқёс касб этаётгани қувонарлидир.

Наманган вилоятида ҳам бугун байрамолди тадбирларни қизгин тус олган. Хусусан, вилоятда истиқомат

қилаётган 461 нафар уруш қатнашчисига Юртбошимиз мукофоти топширилиб, меҳнат фахрийлари ва бошқа табарруқ инсонлар хонадонига ташиф буюриб, уларга совғасаломлар улашилмоқда. Зеро, хотира абадий, қадр бардавомдир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Изчил ислохотлар, манфаатли алоқалар

замонавий мода, дизайн ва тўқимачилик индустрияси ривожига муҳим аҳамиятга эга

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Пировардида эл фаровонлиги ошириб бориш баробарида, тадбиркорларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шариоатларда ўз салоҳиятларини тўла намойён этишларига замин яратилаётди.

Интилиш

Айниқса, хорижий сармоядорлар учун яратилаётган улкан имкониятлар, инвестицияларни жалб қилиш учун берилган қулай преференция ва имтиёзлар муҳити, шу жумладан, тўқимачилик, мода ва дизайн соҳасини раванқ топтириш, соҳада мутахассислар маалақасини ошириш жабҳасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривожла-

ниб бораётгани диққатга сазовор. Яқинда бир гуруҳ ўзбекистонлик мутахассислар, шу жумладан, наманганлик ишбилармонлар ва тадбиркорлар Италияда бўлиб, у ерда истиқболли келишувларга эришгани ҳам ушбу эзгу анъананинг мантӣқий давомига айланди. Сафар чоғида мезбонларга тараққиётнинг “Ўзбек модели” ютуқлари, шу асосда юртимизнинг юксалиб бораётган ижтимоий-иқтисодий салоҳия-

ти ва муваффақиятлари ҳақида кенг маълумотлар берилди. Ўз навбатида, мода ва дизайн индустрияси, тўқимачилик соҳасида катта нуфузга эга бўлган бир қатор ташкилотлар — Милан политехника университети, Италия миллий мода палатаси, тўқимачилик, трикотаж, тикув ва соҳадаги бошқа корхоналар, сертификат маркази мутасаддилари билан учрашувлар ташкил этилди. Хусусан, либослар дизайни йўнали-

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик ишлари кўлами кенгаймоқда

2012 йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажми

6,6 фоизга ўсди.

Ўтган даврда республикамиз иқтисодиётининг бу муҳим тармоғини янада ривожлантириш юзасидан тезкор чора-тадбирлар қўрилгани, жумладан, жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилгани, пудратчи ташкилотларни эса ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйилгани тўғрисида шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

Қисқа сатрларда

● Сарийосиё туманидаги “Сарийосиё босмахонаси” масъулият чекланган жамиятида банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига техник ва технологик янгиликлар амалга оширилди. Пировардида бу ерда тайёрланаётган матбаачилик маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланди.

● Самарқанд шаҳрида тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш ҳамда тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган чет эллик ҳамда маҳаллий тадбиркорларга ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган шариоат ҳамда солиқ имтиёзлари ҳақида атрофлича тушунчалар берилди.

● Кармана туманидаги “Агрозироат” ҳўжалигида Голландия технологияси асосида “Шарлотто” ва “Бонавука” помидор навларини маҳаллий шароитда етиштириш йўлга қўйилди. Бунда банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.

● Чимбой туманида бир кеча-кундузда 10 тонна ҳўжалик совуни ишлаб чиқариш қувватига эга “Чимбой мой инвест” корхонаси фаолият бошлади. Натижада маҳаллий йиғит-қизлардан 15 нафари доимий даромад манбаига эга бўлди.

● Боёвтулик тадбиркор Маҳбуба Эшназарова савий-харакати билан “Бахтиёр-Мағрурбек” кўп тармоқли хусусий корхонаси ташкил этилди. Ҳозир бу ерда алюминий пропилдан эшик ва ромлар ҳамда тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Реклама ўрнида



Ўтган қисқа вақт мобайнида иқтисодийтимизнинг қудратли яратувчи кучига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган ушбу банк соҳани ривожлантирувчи йирик универсал микромолиявий ташкилот сифатида тўла шаклланди.



Жадал ривожланиш ва фаровонлик йўлида

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган молия муассасаси фаолиятига олти йил тўлди.

кўрсаткич 102 фоизга бажарилди. Мазкур кредитлар эвазига 26 минг 242 та иш ўрни ташкил этилди.

ажратиш" лойиҳаси доирасида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли банк хизматларини кўрсатиш ҳам кенг йўлга қўйилди.

шароитида чорва моллари парвариши, тивувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, кўрпа-тўшак тайёрлаш, дўппидўзлик, махси тикши каби меҳнат турлари ташкил қилинди.

битирувчиларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, шу пайтга қадар касб-хунар коллежларини битириб чиққан ёшларни эгалланган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уларга 8,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани банкнинг ушбу йўналишдаги фаол изланишлари самарасидир.

юртга мададкор" лойиҳаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашувчи "Менинг бизнес ғоям" танлови ҳам ўз самарасини бермоқда.

этилган "Ёшларнинг молиявий фаолиятларини ривожлантириш ташкилоти"нинг ("Child and Youth Finance International") биринчи халқаро саммитида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматлар кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича етакчи ўрнида эканлиги, шунингдек, болалар ва ёшлар лойиҳаларини молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди.

Тадбиркор аёл - жамиятда фаол

Банк мижозларининг аксариятини иқтисодийтимиздаги ўта муҳим ва салмоқли хиссаси, ўрни ва таъсири билан алоҳида ўрин эгаллаётган тадбиркор аёллар ташкил этаётгани диққатга сазовор.

Келажакка мададкор ёшлар

Кейинги йилларда банк билан ҳамкорлик қилаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётди. Бу борада ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази билан биргаликда касб-хунар коллежлари

Умуман, "Микрокредитбанк"

акциядорлик тижорат банки ташкил этилганидан буён ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга 94 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Умуман, "Микрокредитбанк"

акциядорлик тижорат банки ташкил этилганидан буён ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга 94 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Умуман, "Микрокредитбанк"

акциядорлик тижорат банки ташкил этилганидан буён ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга 94 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Ҳамкорликдан мамнунмиз

Бугун ҳар бир соҳада инсоннинг фаровон турмуш кечириши ва эркин ишлаши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бундай улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, эътибор ва ғамхўрлик, табиийки, шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир кишини янги марралар сари ундамоқда.

Айниқса, Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилаётгани аини мудоаа бўлаяпти.

Утган йиллар мобайнида "Микрокредитбанк" билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини туфайли қўллаб-қувватлашга қўл киритиб, янгидан-янги марраларга эришидик. Банкнинг ишбилармонлигини ривожлантиришга қаратилган турли кредитларидан умумли фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтириб келяпмиз.

Бугунги кунгача банк кредитидан тўрт марта фойдаланганимиз. Хусусан, 2010 йилда мазкур молия муассасасининг 90 миллион сўмлик микрокредити ҳамда ўтган йили 60 миллион сўмлик микролизинг хизматла-

ри эвазига хориждан илгор ускуналарни харид қилдик. Айни пайтда биз ишлаб чиқараётган алюминий профил ва алигапон маҳсулотлари ҳамда бежирим зина ушлагичлари поитахтимизда бунёд этилаётган замонавий бинолар кўрпига кўрк қўшмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳридаги "MAN" заводи биносини пардозлаш ишлари учун 500 миллион сўмлик шартнома тўздик. Бу ишларни корхонамизда меҳнат қилаётган 20 нафардан зиёд ишчиларимиз амалга оширишмоқда.

Халқаро эътирофлар - холис баҳо

Жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Голландиянинг Амстердам шаҳрида ташкил



Интизорбону Абдалинова, «Дастон аффа плюс» хусусий корхонаси раҳбари.

Банк матбуот хизмати.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.